

Уйланишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ҳақида

20:03 / 26.04.2016 2936

Уйланишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ҳақида

Мажлис уйланишдан олдин икки никоҳланишни истовчилардан бирида юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтиш масаласини кўриб чиқди. Бу борада тайёрланган илмий тадқиқотни атрофлича ўрганиб чиққандан кейин мажлис қуйидагиларга қарор қилди:

1. Уйланишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўриқнинг юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлашда фойдалари бор. Бу сабабли уйланишдан сақланиш мумкин. Шу билан бирга бу ишнинг айб ва салбий тарафлари ҳам бор. Хусусан, бировнинг айбини очиш, унга маънавий зарар етказиш ва келажагини хавф остида қолдириш кабилар.
2. Тиббий кўриқни ман қилувчи нарса шариатда йўқ. Жумладан, ирсий кўриқнинг ҳам. Фақат айбни ошкор қилмаслик керак ва даволанишга йўл топиш лозим.
3. Агар никоҳни истовчи тарафлардан бири уйланишдан олдин тиббий кўриқни шарт қилса, монеълик йўқ.
4. Агар икки тараф уйланишдан олдин келишган ҳолда тиббий кўриқдан (ирсидан бошқа) ўтишни истасалар монеълик йўқ. Фақат сатр бўйича Ислом одобларига амал қилиш ва бошқа тарафга зарар еказмаслик шарт.
5. Икки тарафга ҳам уйланишдан олдин ўзидаги юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни яшириш жоиз эмас. Агар яширса ва бу иш иккинчи тарафнинг хаста бўлиши ёки ўлимига сабаб бўлса, сабабчи тараф шариат ҳукми бўйича барча жазо ва тўловларни ўташи мажбурий бўлади.
6. Агар никоҳдан кейин икки тарафдан бири иккинчисининг юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталиги борлигини билиб қолса никоҳни бузишга ҳақи бор.

ФАТВО ВА ИЛМИЙ БАҲСЛАР БЎЙИЧА ЕВРОПА МАЖЛИСИ
ЎН ТўРТИНЧИ СЕССИЯ (23-27 ФЕВРАЛ. 2005 ЙИЛ)
Қарор 214.